



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 10 (11.821)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фажрийлари!

Сизларни ва ўз ҳаётини она Ватанни ҳимоя қилишдек муқаддас ва олижаноб ишга бағишлаган барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қўлғи сана – Ватан ҳимоячилари қуни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 19 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бу йил халқимиз барчамиз учун энг улғу, энг азиз бўлган шонли сана – Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллик байрамини кенг нишонлайди.

Ана шу йиллар давомида босиб ўтган мураккаб йўлимизга назар ташлар эканмиз, ўтган давр мобайнида амалга оширган, ўзининг қўлими ва моҳиятига кўра гоҳат улкан ва ноёб, том маънода тарихий ишларимиз натижасида бугунги кунда Ўзбекистон замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши тайёрланган, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, халқимизнинг тинч ва оқсоқил ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир ўз миллий армиясига эга бўлди, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Юртимизда қабул қилинган Мудофаа доктринаси ва армияни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш ҳамда унинг эски ёндашув ва қоллилардан принципал жиҳатдан ажралиб турадиган қурилиш тизими бўйича чуқур ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган комплекс дастурни босқич-ма-босқич амалга ошириш асосида мамлакатимиз Қуролли Кучларини бошқаришнинг замонавий талабларга ва минтақамизда юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театри талабларига жавоб берадиган янги тизими яратилди.

Қўшинларнинг тузиллиши ва жанговар таркиби, ташкилий-штартиб қурилиши тубдан ўзгарди.

Бугунги замонавий шароитда бошқариш нуктаи назаридан нуқулай, самарасиз бўлган қўшилмаларнинг, кўп погонали бошқарув тизимининг тугатилиши армиямиз қиёфасини бутунлай ўзгартирди. Қуролли Кучларимизнинг қудрати, жанговар салоҳияти, ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг ҳаракатчанлиги, тез ва шиддатли тарзда кечадиган маҳаллий операцияларни олиб боришга тайёргарлиги, мамлакатимиз чегаралари дахлсизлигига раҳна солишга, унинг ҳудудига суқилиб киришга уринадиган ҳар қандай тажовузкор босқинчиға зарба бериш қобилияти юқори даражада ошди.

Офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий талабларга жавоб берадиган самарали тизими яратилди. Бу тизим ҳарбий хизматчиларга ўз профессионал, назарий ва амалий билимларини такомиллаштириш, ҳарбий-жанговар фаолиятнинг тажриба ва малакасини эгаллаш учун кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Олий ҳарбий таълим муассасаларида курсантларни тайёрлаш тизими тубдан ўзгармоқда. Ушбу билим юрларида бўлғуси офицерларни ўқитиш ва тарбиялаш ишлари замонавий фикрлайдиган, ўз халқи, ўз Ватанига садоқатли офицер кадрларни шакллантириш таъминлайдиган мутлақо янги ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда йўлга қўйилганини таъкидлаш лозим.

Хозирги вақтда қўшинлардаги ҳарбий хизматчиларнинг учдан икки қисмидан кўпроги ўқув машғулотларини жанговар вазиятга мумкин қадар тўла яқинлаштирилган ҳолда олиб бориш имконини берадиган замонавий тренажёр мажмуалари, моделлаштириш ва симуляция воситалари билан жиҳозланган сержантлар тайёрлаш мактабларида тайёргарликдан ўтгани айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай тизим ўқув материални янада сифатли ўзлаштириш, бирламчи бўлган командир кадрларининг тайёргарлиги жараёнини ўзгартариш, сержантлар корпусини соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни ва ҳарбий интизомни шакллантириш таънига – Қуролли Кучларимизнинг мустаҳкам ўзагига айлантириш имконини берди.

Қуролли Кучларнинг қисм ва бўлинмаларини қурол-яроғ ва техниканинг замонавий турлари билан таъминлаш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгиланиши, сафарбарлик-қақирув резерв хизматининг жорий этилиши, қақирувнинг бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, қўшинларда шартнома бўйича хизмат қиладиган ҳарбий хизматчилар сонини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ўқув-жанговар ва тарбиявий ишлар тизимини принципал жиҳатдан ўзгартариш, ҳарбий бўлинмаларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, жамиятимизда ҳарбий хизматга бўлган ишонч ва ҳурмат туйғусини кучайтириш, бир сўз билан айтганда, армиямизнинг жанговар тайёргарлигини бутунлай оширишга олиб келмоқда.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида аниқ мақсадга қаратилган катта ишлар олиб боришмоқда. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга замонавий тиббий хизмат кўрсатиши йўлга қўйиш бўйича давлат дастурларининг амалга оширилиши ҳарбий хизматчилар ҳаётининг моддий-маиший шароитларини сезиларли даражада яхшилаш имконини бермоқда. Фақат кейинги беш йилда ҳарбий унвонлар бўйича бериладиган ойлик маошлар, ҳарбий хизматдан бўшаганда тўланадиган ёрдам пули саккиз мартадан кўпроқ оширилди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган шахсларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чоралари, жумладан, олий ўқув юрларига киришда уларга давлат томонидан имтиёзлар белгилаб қўйилгани, ишга жойлаштиришда амалий ёрдам кўрсатилаётгани мамлакатимиз Қуролли Кучларидаги ҳарбий хизматнинг нуфузи ва обрўсининг янада юксалишида муҳим омил бўлмоқда.

Бугун ўтган давр мобайнида ҳарбий ва мудофаа қурилиши, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлаш соҳасида амалга оширилган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Ватанимиз сарҳадларининг мудофааси ва ҳимояси, халқимизнинг тинч меҳнати ва оқсоқиллигини таъминлаш ишончли қўлларда, деб тўлиқ асос билан айта оламиз.

Кадрли дўстлар!

Бизнинг энг муҳим вазифамиз – ҳар жиҳатдан замонавий, ҳаракатчан, яхши қуролланган, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган армияни шакллантириш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, унинг тизимли ва комплекс модернизация қилинишини таъминлашдан, қисқача айтганда, халқимиз муносиби ва ҳақли равишда фахрлана оладиган Қуролли Кучларни яратишдан иборатдир.

Афғонистондаги вазиятнинг тобора мураккаблашиб бораётгани, наркотрафик, халқаро терроризм, экстремизм кенг тус олаётгани, бизга чегарадош баъзи мамлакатларда юзга келган беқарорлик, шунингдек, минтақамизда бозча таҳдид ва хавф-хатарларнинг сақланиб қолаётгани биздан Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий тайёргарлиги ва жанговар қобилиятини муттасил ошириш, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, унинг давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш борасидаги чораларни янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Буларнинг барчаси биздан доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш, яқин атрофимизда иғво кўзатиб, кескинлик ва қарама-қаршилик ўчоқларини келтириб чиқаришга қаратилган ҳар қандай уринишларни бартараф этишга тайёр туришни талаб қилади.

Шу муносабат билан қўйидаги вазифаларни амалга ошириш ўша муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи. Минтақамиздаги замонавий таҳдидлар ва хавфсизликка қарши қаратилган хатарларни тизимли ва чуқур таҳлил қилиб бориш, уларнинг ўрта ва узоқ келажақда олиб келиши мумкин бўлган оқибатларини инобатга олган ҳолда, юз бериш эҳтимоли бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрини кузатиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб боришимиз зарур.

Аллақачон ўз умрини ўтаб бўлган бир қоллидаги ёндашувларни қайта қўриб чиқиш, мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигига раҳна соладиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга қарши Қуролли Кучларимизнинг муносиби ва самарали зарба бериш имконияти ва тайёргарлигини танқидий баҳолаб боришимиз даркор.

Иккинчи. Барча қўшин турларини бошқариш ва ўзаро узвий мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини янада ошириш, қисм ва бўлинмаларнинг стратегик, оператив ва тактик нуктаи назардан аниқ ва бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишга эришиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлаш, мамлакатимиз чегараларини бузиб, юртимизга бостириб киришга қаратилган ҳар қандай ёвуз уринишларга зарба бериш ва уларни бартараф этишга доимо тайёр туриш лозим.

Бу борада Қуролли Кучларнинг Бирлашган штаби, ҳарбий округларнинг қўмондонлик ва штаблари олдида гоҳат масъулиятни вазифалар турлибди. Ушбу тузилмалар ҳозирги шароитларда ҳар қандай ҳафнинг чорасини олдиндан кўришга ва узоқни кўзлаб иш олиб боришга тайёр бўлиб турган ҳолда, мамлакатимиз мудофаа тизимидagi заиф нуқталарни ўз вақтида аниқлаб, уларнинг бартараф этилишини таъминлаш учун қўмондонлик-штаб ўқув машқларини аниқ шундай тайёргарликлар устида ишлашни мақсад қилиб қўйиш зарур.

Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи Қуролли Кучларни бошқариш, режалаштириш ва қўллаш тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, бошқарувнинг инфорацион воситалари ва ҳарбий алоқа тизимларини уйғунлаштиришнинг, Қуролли Кучларимиз ахборот-коммуникацияларининг рақамли ягона тармоғини яратилиши тақозо этмоқда.

Учинчи. Барча даражадаги қўшин турларининг ҳамкорлигини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида қўмондонлик-штаб, тезкор-тактик, тактик-махсус ўқув машқлари ва машғулотларини ўтказиш, индивидуал ва гуруҳ шаклидаги жанговар тайёргарликнинг бутун тизимини қайта қўриб чиқиш энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Ҳамкорликдаги операцияларга жалб этиладиган чегара қўшинлари, Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисмлари, вертолёт-ҳужум бўлинмалари ва махсус операцияларни амалга оширадиган кучлар, бошқа жалб қилинадиган қўшин турлари ҳамкорлигида турли модел ҳамада вариантларни амалда қўллаш барча ўқув машғулотларининг муҳим таркибий қисмига айланиши шарт. Шу борада ҳарбий округлар қўмондонликларининг турли хавф-хатар ва таҳдидларга қарши тезкор зарба бериш бўйича вазифаларни ҳал қилишда белгиланган операцияни йўналишлар доирасида амалда мустақил ва ўзини ўзи бошқаришга қодир бўлишига эришиш лозим.

Тўртинчи. Қуролли Кучларимизнинг ҳаракатчанлиги, ўзини ўзи бошқариши, юксак жанговар тайёргарликка эга бўлишига эришишда ҳарбий қисм ва бўлинмаларни модернизация қилиш, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника, алоқа ва индивидуал ҳимоя воситалари билан қайта жиҳозлаш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Қуролли Кучларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини назарда тутган ҳолда, ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари ва вертолёт техникаси, бронетанк қурол-яроғлари, артиллерия тизимлари, зенит ракеталари комплекслари, залпчи ўт очигининг реактив тизимлари, юксак даражада аниқ нишонга оладиган замонавий қуроллар, индивидуал ва гуруҳ шаклида, шу жумладан, радиоактив нурланиш ҳамда кимёвий ва биологик қуроллардан ҳимоялашни махсус восита ва техникаларини модернизация қилиш ва уларнинг замонавий намуналарини сотиб олиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

2011 йил 14 ЯНВАРЬ, ЖУМА

XXI садоси
аср
БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий муносабатларига оид қонунчиликни такомиллаштиришга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш масалалари қўмитаси, Экоҳаракатнинг қуйи палатадаги депутатлар гуруҳи ва Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳамкорлигида атроф-муҳит муҳофазасига оид қонун ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш масалаларига бағишланган амалий анжуман ўтказилди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқўл туманидаги Ашамайли қишлоғи аҳолиси янги йилни ўзгача қувонч билан қаршилади. Зеро, байрам кунларида бу ерда 2,6 километр масофага қувур тортилиб, қишлоқ хонадонларига тоза ичимлик суви кириб борди. Ушбу хайрли иш «ЭКО-САН» халқаро ташкилотининг 54 миллион сўмлик маблағи эвазига амалга оширилди.

● Қизилтепа туманида тадбиркор Ботир Тошев ташаббуси билан «Велла плюс» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Айни пайтда 14 киши ишли бўлган ушбу корхонада хорижнинг замонавий технологиялари ёрдамида уй-рўзғор буюмлари ва қурилиш материаллари тайёрланмоқда.

● Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан Юсуфжон қизик Шакаржонов номидаги вилоят мусикали драма театрида «Истеъдодлар бешигисан, Ўзбекистон» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбир доирасида ёш мусаввир, ҳунарманд, чилангар, куллар ва тадбиркорларнинг кўргазмаси ҳам ўтказилди.

● Амударё туманида пиллани қайта ишлашга мўлжалланган, лойиҳа қиймати 470 миллион сўмлик «Азия силк» қўшма корхонаси иш бошлади. Натижада бу ерда 100 та янги иш ўринлари яратилди.

ЖАҲОНДА

● Европа Иттифоқи ва Озарбойжон ўртасида «Жанубий газ йўлагини» бунёд этиш юзасидан стратегик битим имзоланди. Унга кўра келажақда Европа Иттифоқиға аъзо мамлакатларга газ кенг қўламда етказиб берилди.

● Япония Вазирлар Маҳкамаси тўла таркибда истеъфога чиқди.

● Суданда БМТ инсонпарварлик хизмати вакиллари бўлиш уч нафар болгариялик учувчи номаълум кишилар томонидан ўғирланди.

● Австралияда сув тошқинларидан зарар кўрган ҳудудларга инсонпарварлик ёрдамида етказиш жараёни бошланди.

● Россия компаниялари 2011 йил 1 январдан Беларуссияга нефть етказиб беришни тўхтатди. Бунга эса томонларнинг нархларни ўзаро келиш олмагани сабаб бўлган. Маълумотларга кўра келишмовчилик нефтнинг Беларуссия орқали бошқа мамлакатларга етказиб берилишига таъсир қилмайди.

● Бир кеча-кундузда бир ойлик меъёрдаги ёмғир ёққани ва кейинги пайтларда ёмғирнинг тинмаётганлиги боис Бразилиянинг Рио-де-Жанейро штатининг тоғлик қисмларида рўй берган сув тошқинлари ва ер силжиши натижасида қурбон бўлганлар сони 408 кишидан ошди.

● Кеча Тунисда нарх-наволарнинг кескин ошиши ва ишсизлар сонининг кўпайишидан норози ҳолда номойишга чиққан ёшлар билан ҳукукни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ўртасида рўй берган тўқнашувлар чоғида икки киши ҳаётдан кўз юмди.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони

Шу кунларда мамлакатимизда миллий байрамимиз – Ватан Ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимизнинг 19 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида 13 январь кунини ўшбу байрамга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга аскар ва сержантлар, курсантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Тантанали маросимни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президентини, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 19 йиллиги муносабати билан Ватан Ҳимоячиларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ.Бердиев ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимиз Қуролли Кучларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб қўйилган, Қуролли Кучларимиз Ўзбекистон суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг осуда ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш учун ташкил этилган таъкидланган. "Мудофаа тўғрисида"ги ва "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунлар Қуролли Кучларимиз ташкилий асосларини ўзида мужассам этган.

Истиқлол йилларида юртимизда замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган, Ватанимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли қаролати бўлган миллий армиямизни шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Миллий армиямизни ислоҳ қилишдан кўзланган асосий мақсад унинг мудофаа қобилиятини ошириш, мустақил тараққиётимизни таъминлаш борасидаги вазифаларни бажаришга қодир Қуролли Кучларни барпо этишдан иборатдир. Бу борадаги дастурга мувофиқ, Мудофаа вазирлигининг бўлини ва қисмларини, чегара қўшинларини, бошқа вазирлик ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ягона қудратли тизимга бирлаштирган Қуролли Кучларимиз қисмларининг таркиби ва жойлашуви қайта қўриб чиқилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Сержантлар тайёрлаш мактаблари ташкил этилди, бу мактабларда юқсак маънавий-ахлоқий ва етакчилик фазилатларига эга, интеллектуал салоҳияти юқори ҳарбийлар тарбияланмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгилангани, муддатли ҳарбий хизматга қақурувнинг бир

Озод ва обод Ватанимиздаги бугунги тинч ва осуда ҳаёт, ҳамжиҳатлик ва фаровонлик бебаҳо бойлигимиздир. Халқимиз азалдан тинчлик ва осойишталикни Ватан, она, озодлик каби муқаддас тушунчалар қаторида улуғлаб, эъзозлаб келади. Ватан озодлиги, тинчлиги ва хавфсизлиги Ҳимоячилари эса мудом ҳурмат-эътиборда.

йилда бир марта, танлов асосида ташкил этилаётгани, сафарбарлик-қақурув резерв хизматининг жорий этилгани армиямизнинг қиёфасини, унинг мазмун-

Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишнинг нуфузи ортиб, бу йигитларимиз учун эзгу орзуга айланди. Ҳарбий хизмат ёшларимизни жисмонан ва маънан чиниктириш билан бирга, улар қалби ва онгига ватанпарварлик, фидойилик, Ватани ва халқига садоқат каби фазилатларни мустаҳкамламоқда.

Президентимиз фармонида мувофиқ Ватан Ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юқсак мукофотлари топширилди.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида анъана тусини олган уч босқичли танловга асосан, 2010 йилдаги энг илғор бригада, батальон, взвод, гуруҳ қомандирлари ва энг илғор сержантлар аниқланди. Мазкур танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Энг илғор сержантлар тайёрлаш мактаби, мудофаа ишлари бошқармаси, олий ҳарбий билим юрти, ҳарбий қисм ҳам мукофотланди.

Йиғилишда сўзга чиққан капитан Обиджон Тўраев, кичик сержант Баҳром Арслонов, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳаммадзонова, Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов байрам қатнашчиларини миллий байрамимиз – Ватан Ҳимоячилари куни билан табриклаб, Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Ислам Каримовга ҳарбий хизматчиларга кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик изҳор этди.

Ватан Ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда катта байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Олим ТўРАҚУЛОВ,
ЎЗА муҳбири

14 январь — Ватан Ҳимоячилари куни

ЭЛУ ЮРТИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ



моҳияти ва жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан ўзгартирди.

Ҳарбий хизматчиларнинг хизматини ўташ ва яшаш жойларидаги ижтимоий-маиший шароитларини изчил яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий шахарчаларни қуриш ва реконструкция қилиш, ҳарбийларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш борасида аниқ мақсадли, комплекс дастурларнинг изчил ижро этилиши ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг моддий, ижтимоий-маиший шароитларини сезиларли равишда яхшилаш имконини бермоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ мамлакатимизда халқаро стандартларга жавоб берадиган биометрик паспортлар жорий қилинади. Янги ҳужжатларни бериш жараёни қандай ташкил этилади?

ЎЗА муҳбири Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси Аҳолини паспортлаштиришни автоматлаштирилган ахборот тизими республика маркази бошлиғи Нахмиддин ТўРАХҲАЕВГА ўшбу савол билан мурожаат қилди.

– Эгасининг биографик маълумотлари, шунингдек, рақамли фотосурат ҳамда бармоқлар изи туширилган биометрик параметрларини ўзида жамлаган электрон ахборотга эга паспорт ва бошқа ҳаракатланиш ҳужжатлари бугун дунёнинг ривожланган барча давлатларида амалда қўлланилмоқда, – дейди Н.Тўрахжаев. –

– Давлатимиз раҳбарининг шу йил 5 январда қабул қилинган фармони билан Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Улар биометрик паспорт ва ҳаракатланиш ҳужжатларини расмийлаштириш, бериш ва алмаштириш тартибини белгилайди.

Паспортларни алмаштириш босқич-ма-босқич амалга оширилади. Биринчи босқич, яъни 2011 йил давомида биометрик паспортлар мамлакатимиз вазирликлари, идоралари ва муассасала-

фуқаролиги бўлмаган ва мамлакатимиздан кетмоқчи бўлаётган шахсларга биометрик ҳаракатланиш ҳужжати 5 йил муддатга берилади. Уларнинг фарзандларига ҳам мамлакатимиздан чиқиш пайтида шундай ҳужжат берилади.

– Янги паспортларни олиш тартиби қандай?

– Фуқаролар биометрик паспорт олиш учун ўзлари доимий яшаб келатган жойдаги ҳужжатларни йиғиш пунктларига, яъни ички ишлар органларининг хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими-ларига мурожаат қилишлари мумкин. Улар бунинг учун Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган махсус шаклдаги анкета-аризани тўлдириши ва унга шахсини тасдиқловчи тегишли ҳужжат – амалдаги паспорти ёки биринчи марта олаётганлар туғилганлиги ҳақида гувоҳномани илова қилиши керак. Биографик ва биометрик маълумотларни ҳужжатларни йиғиш пунктида ишлайдиган оператор тўплайди, бунда фуқаронинг бармоқлари изи олинадиган рақамли фотосуратга туширилади. Ўшбу барча маълумотлар асосида электрон ариза тайёрланиб, махсус электрон тармоқ орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига юборилади. Бу ерда жўнатилган электрон аризалардан келиб чиқиб, ҳужжатлар график ва электрон персоналлаштирилади, яъни биографик маълумотлар паспортни визуал текшириш зонасига, биографик ва биометрик ахборот эса чипга киритилади. Тасдиқлаш керакки, биометрик паспортлар энг замонавий ахборот технологиялари асосида тайёрланади ва барча халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради.

Тўлдирилган ҳужжатлар ҳудудий йиғиш пунктларига махсус почта воситалари орқали етказилади. Паспорт фақат верификация жараёни, яъни эгасининг биометрик параметрлари ҳужжатга тўлиқлаштирилган маълумотларга мослиги компьютерда текширилгандан сўнггина берилади.

– Янги намунадаги паспорт амалдаги паспортдан электрон чипдан ташқари яна нимаси билан фарқ қилади, унга қандай белгилар киритилади?

– Биометрик маълумотли паспортлар ИКАО тавсияларига мувофиқ белгиланган намуналар бўйича тайёрланади ва

лотин графикасида фойдаланган ҳолда ўзбек ва инглиз тилида, Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси учун қорақалпоқ, ўзбек ҳамда инглиз тилларида персоналлаштирилади. Унга базавий маълумотлардан ташқари қатор қайдлар киритилади. Эгасининг ҳарбий хизматга мажбуриги, никоҳнинг рўйхатга олингани ёки бекор қилингани, рўйхатга қўйилгани ёки чиққани ҳақидаги қайдлар, чет элга чиқишга, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан ўтишга рухсат берувчи қайдлар, 16 ёшгача бўлган болалар учун уларга ҳамроҳлик қилувчи шахслар ҳақидаги маълумотлар шулар жумласидан. Паспорт саҳифалари ҳозиргига қараганда кўп бўлиб, уларга мамлакатдан чиқиш ва хорижий давлатларга кириш учун рухсат берувчи виза қайдлари қўйилади. Бундан ташқари, янги паспортдаги фотосурат энди ёпиштириладиган эмас, балки босма бўлади, бу унинг қалбакилаштиришдан ҳимоялаш даражасини оширади.

– Аҳолини биометрик паспортлаштиришни амалга ошириш учун ҳужжатларни йиғиш пунктларини жиҳозлаш ва мутахассисларни тайёрлаш қандай ташкил этилган?

– Ички ишлар органларининг хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўйича барча ҳудудий бўлимларида биометрик маълумотларни йиғиш ва уларга электрон ишлов бериш учун махсус мосламалар билан жиҳозланади ва бу ишлар бошланган. Бунинг учун алоҳида биолар тайёрланди. Ҳар бир ҳужжатларни йиғиш пункти алоқа ва маълумотларни узатиш воситалари билан таъминланди.

Айни пайтда биометрик паспорт тизимини жорий қилишга жалб қилинадиган мутахассислар ўқитилмоқда. Марказимиз томонидан ишлаб чиқилган слайдди ўқув материаллари ёрдамида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўқув семинарлари ўтказилди. Энди набават амалий кўникмаларга. Бунинг учун, масалан, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бўлимининг хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимида ҳужжатларни йиғиш бўйича ўқув пункти жиҳозланган бўлиб, бу ерда ҳар куни биометрик паспортлаштириш билан шуғулланадиган операторлар тайёргарликдан ўтмоқда. Яқин вақт ичида бундай пунктлар барча вилоятларда ташкил этилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда биометрик паспортлаштириш тизимини жорий қилиш ишлари Президентимиз фармони ва ўшбу фармон билан тасдиқланган Низомларга мувофиқ изчил амалга оширилмоқда.

Анна ИВАНОВА
сухбатлашди.

Алоқа

ХИЗМАТЛАРНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИ

Почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш негизида хизматларнинг янги турларини жорий этишга эришилмоқда. «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти бу борада қатор ютуқларни қўлга киритди

Ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш мақсадида интернетдан жамоа бўлиб фойдаланиш масканлари ҳисобланган 44 та интернет-кафела ташкил этилиб, қўллаб-қувватлаш олинди. Шу билан бирга почта алоқаси тармоқлари ва бўлимларини электрон ўлчов воситалари билан жиҳозлаш учун 2848 дона аппаратлар олинди, филиалларга етказилди. Почта автомаи паркни янгилаш мақсадида 200 дан ортқ транс порт воситалари техникалари харид қилинди.

САМАРАЛИ ИЗЛАНИШ

Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази соҳанинг шўнақалида фаолият кўрсатаётган муассислар кўмагида «Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва ахборот-кутубхона марказларни корпоратив каталоглаштириш тизими» лойиҳаси устида самарали изланиш олиб борди.

Лойиҳанинг асосий мақсади республика йиғма электрон каталогини яратишдан иборатдир. Жанубий Қора ҳукумати гранти бўйича илмий-техник адабиётларнинг электрон кутубхонасини яратишга ҳам алоҳида эътибор берилди. Кутубхона учун ажратилган бино тўла таъмирдан чиқди.

Қораядан келтирилган асбоб-ускуналар ўрнатилди.

ТИЗИМ ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙДИ

Электрон пул ўтказмалари тизими доираси кенгайиб бормоқда.

Натияжада ўшбу тизимга 220 га яқин почта алоқаи объекти боғланди. Билингиз тизимига уланган почта алоқаси бўлимлари сони 150 дан ортқ кетди.

Қарчаклар орқали хизмат кўрсатувчи 900 га яқин терминал ўрнатилди.

Фан

ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент Тиббиёт академиясида талабаларга нормал физиология фанидан атрофлича билим берилмоқда. Нормал ва патологик физиология кафедраси педагогик жамоаси сатъ-ҳаракати билан уюштирилаётган ўқув ва амалий машғулотлар билим сифатини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Кафедра шу соҳа бўйича қатор йирик тадқиқотлари амалга ошириб, ўз илмий салоҳиятини намойиш қилмоқда. «Йўғон ичак иштирокида жигарнинг ўт ишлаб чиқариш функцияси» деган мавзудаги тадқиқот ҳам ўз илмий натижасини берди.

Олий ўқув юртининг тиббий-педагогика ва стоматология факультетлари учун бириктирилган бу кафедрда талабаларга янги технологиялар бўйича билим бериш билан боғлиқ жараёнлар ҳам тадқиқ қилинмоқда.

Кенг қўламли тадқиқотлар жараёнида қатор дарслар ва ўқув қўлланмалари юзага келди. Бугунги кунда «Нормал физиология» дарслиги талабалар учун фойдали ўв адабиётига айланиб қолди. Шу боис у икки марта чп этилди.

Нормал физиология фани бўйича тайёрланган электрон ўқув қўлланмаси ўзбек ва рус тилларида нар қилинди.

Кафедрада ёш олимлар илмий ишлари тўпламини бсмага тайёрлаш режалаштирилди.

ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲА АСОСИДА

«Ташгипрогор» акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан тайёрланаётган лойиҳалар орасида спорт иншоотларига оидлари ҳам бор «Локомотив» футбол стадиони ҳам ўзига хос замонавий лойиҳа асосида бунёд этилмоқда.

Лойиҳа бош муҳандиси Светлана Теплованинг айишча, қурилиш ишлари умумий 4,32 гектар майдонда амалга оширилади. Уйингоҳ атрофида эса спорт мажмуаси, 48 ўринли меҳмонхона ва 220 ҳамда 50 автомобилга мўлжалланган иккита сақлаш жойи ўрин олди.

Кечки учрашувлар жами 8 та устунга ўрнатилгандан чироқлар ёрдамида ёритилади. Замонавий электронидеодисплейли табло ишга тушади. Журналистлар уч 3 та шарҳловчилар хонаси, телевидеокамералар учун кита махсус майдонча, тиббий ва массаж хоналари зм қурилади. Алоҳида сув ҳавзаси, спорт анжомлари лсхалари замонавий талабларга жавоб беради. Шунгдек, мажмуада иккита ёпик сув ҳавзаси, теннис майдни ҳам ишлайди.

«Локомотив» футбол стадиони орқали юртимизда замонавий футбол ўйингоҳлари сони яна биттага қўяя.

Ақбар АЛЕВ

Фармон ва ижро

БИОМЕТРИК ПАСПОРТНИ ҚАНДАЙ ОЛИШ МУМКИН?

Ўшбу ҳужжатлар Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) тавсияларига мувофиқ жорий этилган.

ИКАО аъзоси бўлган мамлакатимизда ҳам авиатасишлар хавфсизлигини таъминлаш, авиация техникаси ишончилиги ва унинг халқаро бозорда рақобатбардошлигини ошириш, аэропортлар инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда йўловчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича самарали ишлар амалга оширилади. Айни пайтда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаконкомпаниси томонидан амалга оширилаётган йўловчи ташиш жараёни ҳақли равишда дунёда энг хавфсиз авиатасишлардан ҳисобланади.

Шу муносабат билан мамлакатимизда биометрик паспортларни жорий қилишдан кўзланган мақсад халқаро фуқаро авиатасишлар хавфсизлиги ва сифатини, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбакилаштиришга қарши ҳимоя даражасини янада ошириш, давлат чегарасидан ўтишда шахсини тезкор ва аниқ идентификациялаш механизмларини такомиллаштиришдан иборат. Буларнинг барчаси электрон ахборотни ўз ичига олган ҳужжатларнинг ўзига хос афзалликлари ҳисобланади.

– Биометрик маълумотларни ўзида мужассам этган бундай паспортлар қандай жорий этилади?

ри хизматчиларига, хорижга чиқаётган ёки чет элдаги жисмоний шахсларга, шунингдек, муайян ёшга тўлган ёки қонунчиликда кўзда тутилган бошқа сабабларга кўра паспорт олаётган фуқароларга берилади. 2012-2015 йилларда эса Ўзбекистон Республикасининг бошқа фуқаролари ҳам қонунчиликда белгиланган тартибда янги паспортларга эга бўлади. Амалдаги паспортлар эса бутун паспортларни алмаштириш даврида, яъни 2015 йил охиригача ҳақиқий ҳисобланади.

Янги Низомга биноан мамлакатимиз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам яшаётган 16 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари паспортга эга бўлиши шарт. ИКАО тавсиялари инобатга олинган ҳолда, фуқаро паспорти 10 йил муддатга берилади. Бундан ташқари, мамлакатимиздан чет давлатларга чиқмоқчи бўлган 16 ёшгача болаларга паспортлар 5 йилгача бўлган муддатга берилади. Айрим ҳолларда хорижга чиқаётган пайтда 15 ёшдан ошган, аммо 16 ёшга тўлмаган шахсларга ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти берилиши мумкин. Бу, ўз навбатида, бола чет элда пайтда унинг ҳуқуқлари давлатимиз томонидан ҳимояланиши қаролатини оширади.

Жаҳон амалиётини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда мунтазам яшаётган,

Мурувват

СИЗ ҲАМИША
АРДОҒИМИЗДАСИЗ

Униб-ўсиб келаётган болажонларнинг жисмонан соғлом, ақл-идроқи етук, ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши йўлида касаба уюшмалари томонидан ҳам бир қатор эзгу ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида маҳаллаларда истиқомат қилаётган кўп болали, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари, жисмоний тарбия ва спорт жамияти болалар-ўсмирлар мактабларининг 200, Меҳрибонлик уйлариининг 524 нафардан зиёд тарбияланувчиларига бепул ва имтиёзли тарзда соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар берилди. Тошкент шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг болалар-ўсмирлар спорт мактабларида 685 нафар болалар спортнинг 15 та тури бўйича шугулланиб соғликларини мустаҳкамладилар, шу билан бирга маҳоратларини оширдилар. Ўсмир-ёшларни бадий ҳаваскорлик, бадий ижод ва санъатга жалб этиш, қизиқишларини оширишга бўлган эътибор туфайли ҳозирга қадар 15 та бадий ҳаваскорлик жамоаси «Намунали бадий жамоа», икитаси эса «Халқ ҳаваскорлик студияси» номига сазовор бўлди. Ушбу анъаналардан келиб чиққан ҳолда кун кеча касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда яна бир эзгу ва савобли ишга қўл урди. Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келиб пойтахтимиздаги шифохоналарда даволанаётган бемор болаларнинг ҳолаҳвалидан хабар олиб, кўнгилларини кўтардилар, совғасаломларини топшириб, эзгу тилакларни билдирдилар.

— Бизнинг соғлиғимиз хусусида қайғуриб, ширин сўзлар билан кўнглимизни кўтарганлари учун жуда хурсанд бўлдик, — дейди Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий текшириш институтида даволанаётган қашқадарёлик бемор Хуршида Мусурмонова. — Бу ерда ҳам қўли енгил шифокорлар энг замонавий тиббий жиҳозлар ёрдамида, меҳр-муҳаббат, ширин сўзлари билан дардимизга малҳам бўлмоқда. Биз Хоразмдан келган Сабрина Қўчқорова, жиззахлик Нилуфар Болтабоева, Фотиима ва Зухра Шукурллаева каби саломатлигини тиклаб, тенгдошлари даврасига қайтаётган барча беморлар номидан катта раҳмат деймиз.

Шаҳризода МУҲСИМОВА



Сергели туманидаги 174-мактабда ўқувчиларга кўча ҳаракати қоидаларига амал қилишни ўргатишда ибратли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада Гўзал Азимова, Фарида Раҳматхўжаева сингари моҳир педагогларнинг ҳиссасини алоҳида таъкидласа эришди.

Республика Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиққа оид янгилик ва имтиёзларга бағишланган кўргазмали семинар ташкил этилди.

КЎРGAЗМАЛИ СЕМИНАР

Тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун берилаётган солиқ имтиёзлари иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш имконини бераётгани таъкидланди. Мазкур йўналишдаги кенг кўламли ислохотлар жорий «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да ҳам давом эттирилиши қайд этилди.

Тадбирда пойтахт ва Тошкент вилоятида фаолият юритаётган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари вакилларига солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар хусусида Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, Молия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ходимлари томонидан батафсил маълумот берилди.

Кўргазмада иштирокчиларга ахборот-маслаҳат хизматлари, ахборот тарқатма материаллар ва тегишли қўлланмалар тақдим қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун солиқ юқини камайтириш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида кейинги беш йил давомида ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоизга, яъни 2005 йилдаги 13 фоиздан 2010 йилда 7 фоизга пасайтирилди. Жорий йилда эса солиқ тўлови микрофирма ва кичик корхоналар учун (савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари) 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилди.

Шунингдек, кўргазмада «БЭМ» — бухгалтерга электрон мадад лойиҳаси томонидан ишлаб чиқилган «БЭМ-инфо» янги информацион-хуқуқий қидирув дастури тақдими ҳам бўлиб ўтди. Унда Республикада амалда бўлган қўллаб-қувватлаш-хуқуқий хужжатлар жойлаштирилган бўлиб, дастур орқали зарур хужжатларни қисқа фурсатда излаб топиш имконияти бор.

Наргиза АСАДОВА,
«Туркистон-пресс»

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32. 2-қават, 208-хона.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва «Истеъдод» жамғармаси ҳамкорлигида «Устоз-шогирд» анъанаси: амалиёт, тажриба ва истиқбол» мавзuida амалий-услубий семинар ташкил этилди. Унда халқ таълими тизими раҳбарлари, илғор ўқитувчилар ва услубчилар иштирок этди.

«УСТОЗ-ШОГИРД» АНЪАНАСИ
САМАРАЛАРИ

мақсадида «Устоз-шогирд» мактаби» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида ҳозиргача тўрт минг нафарга яқин педагог ўз билим ва маҳоратини оширди.

— Қорақалпоғистонда мазкур лойиҳа бўйича 24 умумтаълим фанидан билим бераётган уч юз ўттиздан ортиқ устоз-педагогга салкам минг нафар ёш ўқитувчи бириктирилди, — дейди ЎЗА мухбирига Қорақалпоғистон Республикаси Ўқув-методика марказининг етакчи услубчиси Ҳалима Жақсимова. — Ўқув-машғулотлар илғор педагогик технология-

лар асосида ташкил этилаётгани мактаблардаги дарслар сифатини янада юксалтириш, ўқитувчиларнинг касб ва ижодий маҳоратини янада оширишда алоҳида аҳамият касб этаётди.

Семинарда масофавий таълим доирасини кенгайтириш, ўқув-методик қўлланмалар ва маърифий адабиётларни кўпайтириш, таълимдаги инновацион технологиялар самарадорлигини ошириш, моҳир педагогларнинг ижобий иш тажрибасидан унумли фойдаланиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Назокат УСМОНОВА

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда

ЙЎЛОВЧИЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида амалга оширилётган кенг қамровли чора-тадбирлар инсон манфаатлари муҳофазасига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 декабрда қабул қилинган фармойишига асосан юртимизда ўтказилаётган Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги доирасида бу борадаги ишлар кўлами янада ошмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ташкил этилган матбуот анжуманида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан мазкур ойлик доирасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида йўл ҳаракати хавфсизлигига оид қонунчиликнинг тобора такомиллаштирилаётгани соҳадаги ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим оми бўлмоқда. Ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш пайтида мобил телефондан фойдаланиш тақиқлангани, конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситалари ҳаракати чоғида ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан хавфсизлик камарларидан мажбурий фойдаланиш жорий этилгани бунинг далилидир.

Ишлаб чиқарувчи корхона томонидан транспорт воситаси салонининг олди қисмига ўрнатилган теле ва видеомонитордан транспорт воситасини бошқариш пайтида фойдаланиш ҳамда бундай воситаларни ўзбошимчилик билан ўрнатиш ҳам тақиқланди. Янги нусхадаги миллий

ҳайдовчилик гувоҳномалари ва талони, миллий давлат рақами белгиларининг жорий этилгани бу борадаги ишлар халқаро андозалар талабига мос ташкил этилаётганининг ифодасидир. Йўл ҳаракати қоидаларига оид белгиларнинг ёрқинроқ акс эттирилаётгани йўлларда янада қулайлик яратмоқда.

Тошкент шаҳар ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасидан маълум қилишларича, пойтахтимиз кўчаларига 183 янги йўл белгиси ўрнатилди, чорраҳалар, маҳаллалар, таълим муассасалари ва бошқа аҳоли гавжум жойларга уч юзга яқин панно ва широрлар жойлаштирилди.

Ёшлар ўртасида профилактика тадбирларини амалга ошириш мақсадида таълим муассасалари, жамоат жойлари, маҳалла, корхона ва ташкилотларда «Диққат пиёда!», «Хавфсизлигимиз — ўз қўлимизда» сингари мавзуларда кенг кўламли тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Изчиллик билан амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар туфайли йўл-транспорт ҳодисалари ва кўпол қоидабузарликлар сони кескин камайти.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

Спорт янгиликлари

ЖЕПАРОВ — КУЧЛИЛАР САФИДА

Европанинг футболга ихтисослашган Goal.com веб-сайти футбол бўйича Қатарда ўтказилаётган «Осиё кубоги — 2011» мусобақасида ўз мамлакатини миллий терма жамоаси сафида иштирок этаётган энг кучли ўн нафар чарм тўп устаси рўйхатини эълон қилди.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси сардори Сервер Жепаров мазкур рўйхатнинг учинчи поғонасидан жой олди. 2008 йилда Осиёнинг энг кучли фут-

болчиси совринини қўлга киритган Сервер миллий терма жамоамизга галаба келтираётган ўйинчиларимиздан ҳисобланади.

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ — КЕЙИНГИ
БОСҚИЧДА

Ҳиндистоннинг Чандигарх штатида теннис бўйича ўсмирлар ўртасида давом этаётган Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимида киритилган халқаро турнирда ўзбекистонлик ёш ракетка усталари муваффақиятли иштирок этмоқда.

Яккаликлар ўртасида ҳамюртимиз Абдуворис Саидмуҳаммедов дастлабки учрашувда мезбонлар вакили Яш Дешпандини 6:1, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Яна бир теннисчимиз Темур Исмоилов Аржун Кадхедан 6:0, 6:2 ҳисобида устун келди ва бош соврин учун курашни давом эттирадиган бўлди.

Жуфтликлар мусобақасида юртдошимиз Шухрат Гизатулин Франциялик Энцо Кукад билан ҳамкорликда мезбонлар — Дигвижай Нарука ва Ранжит Сингх дуэти устидан 6:2, 6:0 ҳисобида зафар қучди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА мухбириМАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ОДОБ, ТАРБИЯ, КАМТАРЛИК,
КАТТАЛАРГА ҲУРМАТ-ИЗЗАТ
ВА КИЧИКЛАРГА
МЕҲРИБОНЧИЛИК ҲАҚИДА

Оғиз — бир, қулоқ — икки,
Бир сўзлаб, тингла қирқ икки.

Салом ҳам фарз,
Алик ҳам фарз.

Сувнинг онаси — булоқ,
Сўзнинг онаси — қулоқ.

Танқиддан қўрқма, мақтовдан қўрқ!

Танқид — келажакнинг меваси.

Танқид — тарбия воситаси.

Текканга тегиб,
Тегмаганга кесак отма!

Бировнинг тузини ичиб,
Тузлуғига тупурма!

Туз ичган ерингдан юз ўғирма!

Уят — ўлимдан қаттиқ.

Хато қилмоқ бордир,
Тузатмаслик ордир.

Шарму ҳаёсиз бўлсанг,
Ҳар ерда ерсан шатта.
Маъқул, билимдон бўлсанг,
Иззат-ҳурматинг катта.

Эман дарахтининг
эгилгани — сингани
Эр йигитнинг уялгани — ўлгани.

Эшик очик бўлса ҳам, сўраб кир!

Ўзинг сув ичадиган қудуққа тупурма

Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир!

Қайтиб келар эшигингни қаттиқ ёпмэ

Қари билганини пари билмас.

Қари бор уйнинг зари бор.

Қонун йўли бузилмасин,
Ўртоқчилик узилмасин.

Ҳар кимнинг ҳурмати
ўзининг жойид.

Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан.
(Давоми бор)

УЗГИДРОМЕТ
ХАВАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 15 январь кунини ҳаво ўзгариб туради, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб қисқа муддатли қор ёғади, туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6 даража совуқ, кундузи — 0-2 даража ишқ бўлади.

Республика ҳудуди бўйича ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрта-

лаб қисқа муддатли эр ёғади. Айрим жойларга у-ман тушиши мумкин. Шердан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-8 даража совуқ, кундузи — 0-5 даража ишқ бўлиши кутиммоқда.

Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида к.а, 15 январь кунини эрталаб Тикент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарфи моддаларнинг бироз тарқиб кетишига имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фаз кўпайиши ҳо-мин қилинмоқда, тағмиқри наст бўлади.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИБош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВМанзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4848 нускада босилади.
Қоғоз биринчи А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйи
турар жойлардаги почта бўлимига ёки
«Тошкент почтаменти»га — 233-74-05 телефон
муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-у

1 2 3 4